

ГЕРМАНИЯ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАОЛИЯТИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Суюнов Беҳзод Баходирович,
Мустақил тадқиқотчи*

Аннотация. Ушбу мақолада Германиянинг халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг Ўзбекистондаги фаолияти ҳусусида фикр юритилган. Улар фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда давлат идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги ва ўзаро муносабатлари таҳлил қилинган.

Мазкур ҳамкорликнинг асосий йўналишлари ва диққатга сазовор жиҳатлари фактик мисоллар билан ёритилган ҳамда тегишли хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: Нодавлат нотижорат ташкилотлари, Марказий Осиё, Европа иттифоқи, социал-демократия, жамғарма, ҳамкорлик, иқтисодиёт, сиёсат, маданият, эркинлик, гендер тенглик, бирдамлик, тинчлик, хавфсизлик.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси 1991 йилдан бошлаб марказлашган режали иқтисодиётни янги иқтисодий воқеликка мослаштириш жараёнини амалга оширди. Анъанавий савдо алоқалари ва ишлаб чиқариш занжирлари янги босқичга ўтди ҳамда транспорт ва савдо йўлларининг ровожланишига кенг имкониятлар яратилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Республикада юзага келган турли ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этишда халқаро нодавлат ташкилотларнинг кўмаги ва қўллаб-қувватлаши алоҳида ўрин эгаллади. Бунда Германиянинг халқаро нодавлат ташкилотлари катта рол ўйнади.

Германия 1991 йил 31 декабрда мамлакатимиз мустақиллигини тан олди ва Ўзбекистон учун ишончли ҳамкорлардан бирига айланди. 1992 йил 6 мартда Ўзбекистон ва Германия ўртасида мустаҳкам дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Сиёсий, дипломатик ва иқтисодий алоқалар билан бир қаторда, дўстона муносабатлар орқали жамоатчилик ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам катта аҳамият берилади.

Нодавлат ташкилотлар халқаро муносабатларнинг муҳим субъекти бўлиб, давлат сиёсатини шакллантириш ва дунё мамлакатлари билан алоқаларни мустаҳкамлашга сезиларли таъсир кўрсатади. Халқаро нодавлат ташкилотлар фаолияти жамоатчилик вакиллари ўртасида дўстона муносабатлар ва алоқаларни ўрнатиш, икки халқ ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон билан ўзаро маданий алоқаларни ривожлантиришда, Конрад Аденауэр (Konrad Adenauer Stiftung), Фридрих Эберт (Friedrich Ebert Stiftung) жамғармалари, Германия академик алмашинув хизмати (DAAD), Гёте институти (Goethe-Institut) ва Германия Халқ университетлари Ассоциациясининг халқаро ҳамкорлик институти (DVV International) икки мамлакат халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган муҳим муассасалардир.

Мустақилликгача немис тили ўқув юртларида иккинчи оммавий ўргатиладиган тил сифатида машҳур бўлган ҳамда ҳозирги кунда ҳам Марказий Осиё давлатларида немис тили ва маданиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, немис тили ва маданиятига қизиқувчилар сони тобора ортиб бормоқда.

Германиянинг Марказий Осиёга нисбатан сиёсати иккита асосий таркибий қисмдан иборат. Биринчидан, Германия ушбу минтақа учун Европа Иттифоқининг умумий стратегиясини ишлаб чиқишда фаол иштирок этмоқда ва унинг бу жараёндаги роли тобора кучайиб бормоқда. Иккинчидан, Германия Марказий Осиёда (Қирғизистон, Ўзбекистон ва Қозоғистонда) яшовчи немис тилида сўзлашувчи аҳолини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида қизиқиши билан Европа Иттифоқининг бошқа давлатларига қараганда ажралиб туради¹. Бу ҳолатда, Германия манфаати Марказий Осиёда истиқомат қилувчи фуқаролари учун сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлган мақбул яшаш шароитларини яратишни қўллаб-қувватлашдир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 5 мингга яқин этник немис миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади². Уларга ўз миллий анъаналари ва маданиятини асраб-авайлаш бўйича барча шароитлар яратилган. Мамлакатимизда немис миллатига мансуб фуқаролар нафақат ўзбек жамиятининг ажралмас қисми, балки икки давлатни боғловчи кўприқдир.

Таҳлил ва натижалар

Конрад Аденауэр (Konrad Adenauer Stiftung (KAS)) - Жамғарма 1955 йилда Бруно Хэк бошчилигида христиан-демократик таълим-тарбия ишларини олиб бориш мақсадида ташкил этилган бўлиб, 1964 йилдан Германия Федератив Республикасининг биринчи федерал канцлери Конрад Аденауэр номи билан аталган. Мамлакатимизда ҳамда хорижда ушбу жамғарма сиёсий таълим бериш, Европа мамлакатлари бирлигини мустаҳкамлаш, санъат ва маданиятни ривожлантиришга кўмаклашишни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланади.

¹ С.В. Погорельская “Политика ФРГ в Центральной Азии” 2011. - 13 с.

² “Ўзбекистон-Германия: ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги босқичи сари”
<https://www.gov.uz/news/view/2940/>

Иқтидорли бакалаврият ва магистратура талабалари жамғарма кенгаши томонидан танлаб олинади. Бундан ташқари, жамғарма мутахассислари христиан-демократик ҳаракати тарихини ўрганиш ишларини олиб боради.

KAS Марказий Осиёда 1994 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда ҳамда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Эркинлик, адолат ва бирдамлик жамғарма фаолиятининг асосий принципи ҳисобланади. KASнинг халқаро ноҳукумат ташкилот сифатида бутун дунё бўйлаб 70 дан ортиқ ваколатхоналари ва лойиҳалари мавжуд³. Жамғарма 120 дан ортиқ мамлакатларда демократия, қонун устуворлиги ва ижтимоий бозор иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўшади. Тинчлик ва эркинликни таъминлаш мақсадида, маданиятлар ва динлар ўртасидаги алмашинувга қаратилган доимий ташқи сиёсий мулоқотни юритиб келмоқда.

Шунингдек, KAS ҳар йили дунё бўйлаб 2500 дан ортиқ конференция ва тадбирларни ўтказди ҳамда ўзининг стипендия дастурлари ва семинарлари орқали иқтидорли ёшларнинг таълимини ва иштирокини фаол қўллаб-қувватлайди. Германиянинг бошқа жамғармалари сингари, KAS ҳам асосан ҳукумат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади⁴.

KAS Ўзбекистонда ўз фаолиятини давлат органлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, нодавлат ноижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан жамғарма 1993 йилда Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган. KAS ўз фаолияти давомида давлат ва жамоат тузилмалари, маданият, таълим ва бошқа муассасалар ўртасидаги икки томонлама алоқаларни кенгайтиришга кўмаклашмоқда.

2022 йилда Ўзбекистонда KASнинг 25 йиллиги нишонланди. Шу давр оралиғида жамғарма томонидан мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган кўшма лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда иштирок этди.

Фридрих Эберт жамғармаси (Friedrich Ebert Stiftung (FES)) – Германия социал-демократик партияси ғояси билан боғлиқ бўлган жамғарма 1925 йилда Германиянинг биринчи демократик йўл билан сайланган Президенти Фридрих Эбертнинг сиёсий мероси сифатида ташкил этилган бўлиб, у Германия партия фондларининг энг йириги ва қадимийсидир.

³ Д.Эрназаров “Немецкие международные неправительственные организации через призму политики Республики Узбекистан” 2020. – 9 ст.

⁴ “Konrad Adenauer Foundation” https://translated.turbopages.org/proxy_u/en-ru.ru.107775f5-656ea62f-01adedd1-74722d776562/https/en.wikipedia.org/wiki/Konrad_Adenauer_Foundation

Шунингдек нотижорат ноҳукумат ташкилот сифатида социал демократик қараш ва касаба уюшмалари ҳаракатлари орқали эркинлик, адолат, бирдамлик ғояларини тарғиб қилувчи ҳамда тинчликни сақлашга кўмаклашувчи ҳисобланади⁵. FES бугунги ва эртанги кун учун социал демократиянинг янги ғояларини ҳамда йўналишларини ишлаб чиқади.

Маълумотлар таҳлилига кўра, FES қуйидаги йўналишларда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлайди ва кўмаклашади:

- эркин демократик жамият қуриш;
- барча фуқароларга келиб чиқиши, жинси ва диний эътиқодидан қатъи назар, мамлакат сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида иштирок этиш имкониятини яратиш;
- барқарор иқтисодий ўсиш ва барча фуқароларни муносиб иш билан таъминлаш;
- камбағалликка қарши курашиш,
- соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва бошқалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, FESнинг дастурлари фуқароларни рағбатлантириш орқали, уларнинг мустақиллигини ошириш, сиёсий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш ҳамда касаба уюшмалари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида иштирок этиш ва хабардор бўлишга қаратилган⁶.

FES Ўзбекистонда ўз фаолиятини давлат органлари, сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Бундан ташқари, FES иқтисодий, ижтимоий масалалар, шунингдек таълим сиёсати ҳамда демократияни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича стратегик тадқиқотлар олиб боради. Ушбу тадқиқотларга илмий жамоатчилик вакиллари, сиёсатчиларни жалб қилади ҳамда мамлакатда адолатли ва барқарор иқтисодий ва ижтимоий тузилмани шакллантиришни муҳокама қилиш учун шароит яратади. Биргина 2022 йилнинг ўзида, FES томонидан дунё бўйлаб 2 314 та конференциялар, муҳокамалар, кўргазмалар ва семинарлар ташкил қилинган.

FES асосан ҳукумат маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади ҳамда йиллик бюджети тахминан 195 млн. Еврони ташкил қилади.

1997 йилдан бошлаб FES Ўзбекистонда кучли ва ҳуқуқий фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу борада

⁵ “Фонд Фридриха Эберта” https://translated.turbopages.org/proxy_u/en-ru.ru.107775f5-656ea62f-01adedd1-74722d776562/https/www.fes.de/stiftung/ueber-die-fes

⁶ Д.Эрназаров “Немецкие международные неправительственные организации через призму политики Республики Узбекистан” 2020. – 5 ст.

хотин-қизларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилган.

Бугунги кунда FES қуйидаги йўналишларда ўз фаолиятини амалга оширмақда:

- сиёсий тизимдаги ислохотлар (масалан, ҳокимларни тўғридан-тўғри сайлаш, парламентаризм механизмини мустаҳкамлаш);
- ҳуқуқий тизимни ривожлантириш;
- маъмурий ислохотларни ривожлантириш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни либераллаштириш;
- гендер тенглик масалалари ҳамда мамлакатда аёлларнинг сиёсий иштирокини мустаҳкамлаш;
- оиладаги зўравонликни олдини олиш;
- ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш ва бошқалар.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, FES халқаро нодавлат нотижорат ташкилот сифатида ўз ишини мустақил равишда режалаштиради ва амалга оширади. Улар ўз вазибаларини социал-демократия идеаллари асосида бажаради. Шу билан бирга, тинч ривожланиш ғояларини тарғиб қилиш, ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда дунё халқлари ўртасида яхши муносабатларни ривожлантириш бўйича иш олиб боради.

Маълумотлар таҳлилига кўра, FES ўз фаолиятини қуйидаги йўналишларда ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда:

- қадриятларга асосланган эркин жамият яратиш ва барча фуқароларга ижтимоий келиб чиқиши, жинси ва динидан қатъи назар, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётда иштирок этиш учун тенг имкониятлар яратиш;
- кучли демократияни барпо этиш;
- барчага муносиб меҳнат қилиш имкониятини берадиган барқарор иқтисодиётни ривожлантириш;
- соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, таълим сифатини яхшилаш, камбағалликка қарши курашиш ва бошқалар.

Буларнинг барчаси Германия нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистонда сиёсий плюрализмни ривожлантиришга кўмаклашаётгани ва амалда ҳар томонлама ёрдам бераётганидан далолатдир.

Германия халқаро ҳамкорлик агентлиги (Deutsche Gesellschaft für Internationale Zusammenarbeit (GIZ) GmbH) - Ўзбекистонда GIZ Германия иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш вазирлиги, Германия ташқи ишлар вазирлиги ва Германия ички ишлар вазирлиги номидан лойиҳа ва дастурларни амалга оширади. Бутун дунё бўйлаб 25 400 га яқин ходимга эга

хамда 120 га яқин давлатлар билан ҳамкорлик қилади. Унинг асосий вазифаларига хусусий сектор ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро манфаатлари мувозанатини таъминлаш киради. Шу билан бирга, иқтисодий ривожланиш ва бандликка кўмаклашиш, энергетика, атроф-муҳит, хавфсизлик каби турли соҳаларда ҳамкорлик ва кўмаклашиш масалаларида 50 йилдан ортиқ тажрибага эга. GIZ Германия иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш вазирлигидан ёрдам олади ва бу сумма 2022 йилда 4 млрд. Еврони ташкил қилган⁷.

GIZ Тошкентда ўз ваколатхонасига эга (1992 йилда очилган). Ҳозирги кунда мамлакатда 31 та миллий ва тўртта халқаро ходим ва битта мутахассис фаолият юритмоқда.

GIZ тадбиркорлик субъектлари, фуқаролик жамияти институтлари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда фаолият юритади. Ўз фаолиятини сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида ишлайди. GIZ фаолиятида Европа шунингдек, Германия кадриятлари Марказий ўринни эгаллайди.

GIZ фаолиятининг асосий йўналиши қуйидаги масалаларга қаратилган:

- инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, тенг имкониятлар ва ҳалоллик;
- Қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар фаоллигини қўллаб-қувватлаш;
- ижтимоий-иқтисодий ва бозор иқтисодиётининг тартибини тарғиб қилиш шунингдек, экологик тартибни сақлаш ва бошқалар.

Бундан ташқари, GIZ турли соҳаларда иқтисодий-ижтимоий ривожланиш, бандликка кўмаклашиш, энергетика ва атроф-муҳит, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ва бошқа масалаларда ўз тақлифларини ишлаб чиқади ва тақлиф қилади.

Ўзбекистон – Германия муносабатларининг бугунги ҳолати

Бугунги кунда, Ўзбекистонда қарийб 300 минг мактаб ўқувчилари Гёте, Шиллер ва Кант тилини ўрганмоқда. Республикада жами 24 та мактабда немис тили чуқурлаштирилган тарзда ўргатилади. Улардан 6 таси, яъни Тошкент, Самарқанд, Марғилон, Фарғона, Андижон ва Бухоро шаҳарларидаги мактаблар немис тили дипломини бериш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Шунингдек, ҳозирда 4000 дан ортиқ Ўзбекистонлик аспирант ва докторантлар Германиянинг турли университетларида таҳсил олмоқда⁸.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда Гёте институти, Германия Халқ университетлари ассоциациясининг Халқаро ҳамкорлик институти, Хориждаги

⁷ “Вопросы и ответы о GIZ” <https://www.giz.de/en/press/9785.html>

⁸ “Ўзбекистон-Германия: ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги босқичи сари” <https://www.gov.uz/news/view/2940/>

мактаблар марказий бошқармасининг ваколатхонаси муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудлараро ҳамкорлик доирасида Тошкент ва Берлин, Бухоро ва Бонн шаҳарлари ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилган. Самарали маданий-маърифий алмашинувлар, барқарор ривожланиш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Германия Оролбўйи минтақаси учун мақсадли жамғармани қўллаб-қувватлашга катта ҳисса қўшмоқда. Жумладан, жорий йилнинг март ойида жамғарма фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича келишув имзоланган бўлиб, унда Германия ҳукумати томонидан оғир экологик вазиятнинг Оролбўйи аҳолисига салбий таъсирини камайтиришга мақсадли ёрдам кўрсатиш учун 700 минг доллар ажратиш кўзда тутилган. Германиянинг ҳиссаси миллий ва маҳаллий ҳамкорлар, БМТ тузилмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва илмий доираларнинг саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, Оролбўйида қўшма дастурлар ва молиявий кўмак туфайли озиқ-овқат, иқтисодий, ижтимоий, экологик, соғлиқни сақлаш муаммоларини ҳал этиш имконини беради.

Германия хайрия ташкилотлари томонидан Ўзбекистонлик бемор болаларнинг Германия клиникаларида бепул даволанишини ташкил этиш, шунингдек, тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминлашда гуманитар ёрдам кўрсатилмоқда. “Friedensdorf International” халқаро хайрия ташкилоти ва “Соғлом авлод учун” жамғармасининг қўшма гуманитар акцияси ҳам Ўзбекистондаги бемор болаларни Германияга даволанишга жўнатишни мақсад қилган ва бу каби лойиҳалар давом этмоқда.

Хулоса

1. Ўзбекистон ва Германия муносабатларининг бугунги ривожини ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик тамойилларига асосланган стратегик шерикликни янада юқори даражага олиб чиқиш учун шароит яратади.

2. Германия нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг қўллаб-қувватланиши икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш учун янги истиқболларни очиш имкониятини беради.

3. Германиянинг нодавлат нотижорат ташкилотлари нафақат Германиянинг ўзида, балки бошқа давлатларда, хусусан Ўзбекистонда ҳам мамлакатнинг ижобий имиджини шакллантириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва демократия борасида салмоқли ишларни амалга оширишга хизмат қилади

Фойдаланилган адабиётлар:

1. С.В. Погорельская “Политика ФРГ в Центральной Азии” 2011.
2. Д.Эрназаров “Немецкие международные неправительственные организации через призму политики Республики Узбекистан” 2020.
3. “Современные проблемы международных отношений и мировой политики: Материалы международной научной конференции”, М., 2011, А.Чулиева “The activities of western non-governmental organizations in Central Asia” pp. 223–228.
4. А.Р.Гончаренко “Неправительственные организации как акторы современной гибридной войны: деятельность западных НПО в Центральной Азии”, “Гражданин. Выборы. Власть” 4(26)/2022.
5. “Германия и Централбная Азия” издатель Федеральное министерство иностранных дел 2010.
6. Никитин А. НПО и внешняя политика Германии. – Обозреватель Observer. http://www.observer.materik.ru/observer/N1_2007/105_113.pdf.
7. <https://www.kas.de/ru/>
8. <https://www.fes.de/ru/>
9. <https://www.giz.de/en/worldwide/364.html>
10. <https://www.gov.uz/news/view/2940/>
11. <https://uz.wikipedia.org/>
12. <https://kun.uz/uz/news/>
13. <https://gk-uzbekistan.de/uz/>